

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 50 (10.859) Баҳоси эркин нарҳда

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 14 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сизнинг ушбу ташрифингизга Ўзбекистон — Покистон муносабатлари ривожланиб бораётганининг яна бир белгиси сифатида қараймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари неча асрлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар янгича мазмун касб этди. Тошкент билан Исламобод ўртасида мустаҳкам ва узок муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрғазига мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш имкониятларини очди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани инобатга олинса, Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуницияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидagi нефть-газ конларини қидириш ва ўрганишга жиддий қизиқиш билдиримоқда. Шунинг учун Исламободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига кат-

та қизиқиш билан қаралади. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган махсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлар эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмининг (пахта, полиэтилен, суёлтирилган газ, кабель, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасининг учинчи давлатлари орқали сотиб олади. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки хисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга юборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча қарра ортди. Шуларни инобатга олиб, икки мамлакат Президентлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштиришга келишиб олган эдилар. Яқинда Исламободда комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи асосида эса икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди.

Покистонда Ўзбекистон пахта ва ипагига, юртимизда давом этаётган ҳусуийлаштириш жараёнига қизиқиш катта. Энергетика ва транспорт коммуницияларини соҳасида ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма корхоналарни қўлайтириш мумкин. Ўзаро савдо-сотик ва сармовий ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Тошкентда Покистон Миллий

банкнинг филиалини очиб масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистондаги мавжуд қўлай сармовий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми 4 миллион АҚШ долларига етади.

Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил бўлмоқда. Икки мамлакат вақиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида, жумладан, ҳар икки йилда Самарқанддан бўладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, қўлэмаларни тадқиқ этмоқдалар. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари кўп.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида барча соҳалар, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасида мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардор, экспортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқариши қўлайтириш имконини берадиган илгор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида:

1. Ҳўжалик юртувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдориди, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган аммортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдалан олинмайдиган солиқ базасини қамайтириш ҳўқуқи берилсин.
2. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилсин.
3. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қаматириш ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилсин.
4. Белгилаб қўйилсинки: ушбу Фармонда қўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади; технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, юқориди қайд этилган солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва қўрилмайдиган белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқлар ва боҳжона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.
5. Белгилансинки, 2007 йил 1 апрелдан бошлаб олиб қирладиغان технологик жиҳозларга қўрилмайдиган қўзда тутилган боҳжона тўловлари бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат боҳжона қўмитаси томонидан тасдиқланмайдиган технологик жиҳозлар рўйхатида қўрилмайдиган.
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат боҳжона қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган тартибда мазкур Фармонда қўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўлаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда қирладиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қирлисин.
8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 14 март

## ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР ИККИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВЛАРИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА. ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ УШБУ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ОЧИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Шавкат Мирзиёев билан Покистон Ислам Республикаси Бош вазирини Шавкат Азиз ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат етакчи иқтисодиёт идоралари вақиллари иштирок этди.

Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йилнинг март ойида Ўзбекистон расмий ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Президентимизнинг ташрифи якунларига кўра икки давлат раҳбарлари томонидан Қўшма баёнот имзоланган эди. Шунингдек, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга доир, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, кичик бизнес ва ҳусуий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, саноат, ташқи савдо ҳамда банк-молия фаолияти бўйича қатор битимлар имзоланган эди. Яқинда Исламободда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Покистон Савдо-иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги бўйича ҳўкуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилишида ушбу ҳўжатлар ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.

Тошкентдаги музокараларда Ўзбекистон катта экспорт салоҳиятига эга экани таъкидланди. Жаҳон бозоридида ўзбек пахтаси, ипаги, қишлоқ хўжалик махсулотлари, минерал ўғитлар, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори технологияли ускуналар, автотранспорт, транспорт ҳамда йўловчи ташувчи самолётларга талаб тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг рақобатбардорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг самараларидандир. Ўзбекистондаги мавжуд қонунчиликка бинан хоржий тадбиркорларнинг ҳўқуқларини ҳўмоя қилиш кафолатланган. Шу боис иқтисодиётимизга қиритилаётган хоржий сармоя ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Покистон ишбилармон доиралари вақиллари билан ҳамкорлик кўлами кенгайтирилди. Улар иштирокида қирққа яқин қўшма корхона ташкил этилган.

Музокаралар давомида савдо ва энергетика, янги транспорт коммуницияларини яратиш, тўқимачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди. Покистон ишбилармон доиралари вақиллари нефть-газ, таълим, маданият ва туризм соҳасида ҳамкорликдан, ўзбек пахтаси ва ипагини харид қилиш ҳажминини оширишдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон-Покистон савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш энгиллаштириш учун Тошкентда Покистон миллий банки филиалини очиб режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита фаолияти доирасида илмий-техника алоқалари кенгайтиришга алоқалари очиб режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита фаолияти доирасида илмий-техника алоқалари кенгайтиришга алоқалари очиб режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита фаолияти доирасида илмий-техника алоқалари кенгайтиришга алоқалари очиб режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон Бош вазирлари иштирокида ўтган икки давлат ишбилармон доиралари вақилларининг бизнес-форумида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳўжатлар имзоланди. Жумладан, Жиний ишлар бўйича ўзаро ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳўкуматларо шартнома, Транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳўкуматларо битим, Тошкент ислом университети ва Исламобод халқаро ислом университети ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Карачи шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасида ағлашув меморандумлари имзоланди.

Анна ИВАНОВА,  
ЎзА муҳбири

### ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА ТАШРИФ БУРДИ. БУ ЕРДА ЮҚОРИ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ҲУРРИЯТИМИЗ, ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ БЎЛГАН МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ ҚЎЙДИ.

## Шавкат Азиз: ТАШРИФ НАТИЖАЛАРИДАН МАМНУНИМIZ

Покистон бош вазирини Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу ниетишларини акс эттирувчи ноёб маъмура эканлигини таъкидлади.

Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биноси билан танишди.

Шавкат Азиз шу куни оммавий ахборот воситалари вақиллари билан учрашиб, Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказилган музокаралари натижалари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашдик, — деди Ш.Азиз. — Музокаралар, имзоланган ҳўжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли натижа берилишига ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар қўллаб-қувватлашда янада ривожланишига ишончим комил.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Ўзбекистонга ташрифи асосида юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар билан яқиндан танишдик. Жумладан, Тошкентда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон пойтахти қадимий, жуда гузал, аини пайтда, замонавий шаҳар.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги алоқалар узок тарихга бориб тақалади. Халқаримизни ягона дин, ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг аънава ва одатлар ҳам яқинлаштириб туради. Шундай экан, ўзаро ишонч ва ҳўрматга, манфаатдорликка асосланган ҳамкорлигимиз барча соҳада мустаҳкамланиб бораверишига ишонаман.

ЎзА

●Ўзбекистон Республикаси Президенти «Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

●Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари биргаликда «Фермерликни ривожлантириш—қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ўтказдилар.

●Қаршидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида вилоят ўлкашунослик музейи учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 465 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бунёдкорлик ишларини «Ўзконтехтаъминот» давлат унитар корхонаси қурувчилари амалга оширишди.

●Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги барча 12 та қишлоқ врачлик пунктлари электрокардиограммани олиш учун мўлжалланган анжомлар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, Ижтимоий ҳимоя йилида қишлоқ врачлик пунктлари учун центрифугалар, тиббий асбоб- ускуналар тўплами ва уларни стерилизациядан ўтказиш воситалари — ҳаммаси бўлиб 30 миллион сўмлик 20 турдаги тиббий анжомлари харид қилинди.

●Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги «Андижон—пахта» корхонасида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуасининг қурилиши бошланди. Бу ерда пойабзалларни тиклаш учун устaxonа, сартарошxона, новойxона, гўшт дўкони ҳамда озиқ-овқат ва саноат махсулотлари учун дўконларни очиш кўзда тутилмоқда. Савдо нуқталарида шунингдек, қасаначилик асосида хонадонларда тайёрланган махсулотлар ҳам пештахталардан ўрин олади.

●Ижтимоий ҳимоя йилида Наманган вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари вилоят туманларида бир қатор қўшма кўргазмаларни ташкил этишга қарор қилишди. Дастлабки кўргазма Қосонсой туманида ўтказилиб, ундаги экспонатлар билан қишлоқ хўжалик ва тиббий коллежалари ўқувчилари, мактаблар ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари яқиндан танишишди.

●Жиззах Олимпия захиралари коллежида энгил атлетика бўйича 1992—1993 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Уч кун давом этган беллашуларда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан келган 200 нафарга яқин спортчи галаба учун кураш олиб борди.

●Қаршида гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур беллашувлари якунига етди. Хал қилувчи тўртинчи тур олдидан унда олий лиганинг еттига эркаклар жамоаси ўз қучларини синаб қўришди.

●Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубxонасининг ёшлар ахборот ресурс марказининг ўқув залида фондга келган ўзбек ва рус тилларидаги янги адабиётларнинг очик кўргазмаси бўлиб, унда ўқув юрлари учун дарсликлар, Ўзбекистонда ва чет элларда нашр этилган иқтисодиёт, тарих, тиббиёт, санъат, маркетинг, компьютер технологияси, психология ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишлари бўйича китоблар, журналларнинг янги сонлари намойиш этилди.

●Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Италияга сафари давом этмоқда. Италия Бош вазирини Романо Проди билан бевосита мулоқот чоғида иқтисодиёт ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида сўз борди. Ташриф натижасида бир қатор йўналишлар бўйича ҳўжатлар тўпламининг имзоланиши кўзда тутилмоқда.

●Европа Иттифоқи БМТ махсус вакили Марти Ахтисарининг Косово юзасидан Ҳавфсизлик Кенгашига тақдим этган режасини қўллаб-қувватлади. Бироқ томонлар Косово деярли мустақилликка тенг бўлган мухторият мақомини бериш юзасидан бир қарорга келишмади.

●Грузия парламенти республиканинг Шимолий Атлантика альянси—НАТОга аъзо бўлишини тезлатиш тўғрисида декларация қабул қилди. Мазкур декларацияни парламент аъзолари бир овоздан маъқуллади. Декларацияга қўшимча равишда НАТОга аъзолик масаласида миллий розилик меморандуми ҳам имзоланди. Унга парламентдаги барча фракциялар етакчилари қўл қўйди.

●Ливанд орти нафар террорчи қўлга олинди. Улар Бикфайе шаҳрида йўловчи автотўбусини порлатиб юборишга уринишган. Маълум бўлишича, хибсага олинганлар «ФАТХ Исломи» гуруҳи аъзолари бўлиб, жангарилар Ливанининг 36 нафар сиёсатчиларига суиқасд уюштиришни режалаштиришган экан.

●Россиянинг Шимолий приморье ўлкасида Тайга ўрмонида ўз машиналарида ва муайян озиқ-овқат захираси билан 10 кун давомида қор бўронидида қўлиб кетган 4 киши қутқариб олинди. Врачларнинг сўзларига қараганда, уларнинг аҳоли қониклари.

●Россия ва Италия ҳамкорлиқда «Super Jer 100» русумли 1,8 мингта самолёт ишлаб чиқариш юзасидан шартнома имзоланди. Шартноманинг қиймати 70 миллиард евро атрафиди бўлиб, у яқин 20 йил давомида амалга оширилади.

## ЖАҲОНДА

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**Қасқа сатрларда**

●КЕЧА энергетика соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни тарихий ёш мақсадида шаҳримизда «Соф энергия. Энергия тежамкорлиги» кўргазмаси ўз ишини бошлади.

●АКЦИЯДОРЛИК тижорат «Ипотека» банкнинг Сергели туман бўлими Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан жорий йилдан уй-жой олиш ниятида бўлган ёш оилаларга имтиёзли кредит беришни режалаштирди.

●МАРКАЗИЙ офицерлар саройида «Қамолот» ЕИХ Юнусовод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган «Маҳалланинг намунали киизи» кўрик-танловининг туман босқичида еттига маҳалладан келган оқила, билимдон, ораста, қобилиятли қизлар ўзаро беллашди.

●ХОТИН-қизларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида Фидкорлар миллий демократик партияси ташаббуси билан тез кунларда партия қошида Лидер қизлар клуби фаолият бошлади.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан)





Кўёнинг ҳамал буржиги кириши, баҳорги кун ва тун тенглиги билан боғлиқ паллада Наврўз нишонланган. Қадимий аждодларимиз шу кунларда табиатнинг қайта жонланишини, деҳончилик учун қулай фурсат эканлигини билишган.

## КЎНГИЛЛАРДА БАҲОР СЎРУРИ

**ДИЁРИМИЗ БЎЙЛАБ БАҲОР САБОСИ ЭСМОҚДА. ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ БАҲОР ЎЗИ БИЛАН НАВРЎЗИ ОЛАМНИ ОЛИБ КЕЛАДИ. ҚИШНИНГ ҚАҶИЛЛИ КУЧЛАРИ НИҲОТ ҲОРИБ ЎРНИНИ КЎКЛАМГА БЎШАТИБ БЕРДИ. ОНА ЮРТИМИЗ САРҲАДЛАРИДА ЯШРИЛЛИК КЎЗГА ТАШЛАНИБ, ДАРАХЛАР УЙҒОНИБ, КУРТАК ВА ГҮЛ КЎРСАТМОҚДА. БАҲОРНИНГ ҲАЁТБАХШ НАФАСИ ТУПРОҚНИ УЙҚУДАН УЙҒОТДИ.**

рилган. Кишилар бир-бирлари билан ярашганлар, барча келишмовчиликлар эски йилда қолиши, инсон ҳам табиат каби янгитдан покланиши зарур, дея доноларча иш тутганлар. Хашарлар ўтказганлар, беморларни, нурунийларни, устозларни зиёрат қилишган. Исмаоқ, момақоймоқ, ялпиз, жағ-жағ ва бошқа гиевлардан тайёрланган пишириқлар, ҳалим ва сумалақлар билан тўкин-сочин дастурхонлар тузатиб, унинг атрофида, маҳалла гузарлари ва айникса дала-кирлар қўйида сайиллар, хуш-чакчақ гурунлар ўйдиришган.

Бахш куч-қудрат, ажиб кайфият бағишлаб, Мустақил юртимизга Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Мана, сизу биз интизорлик билан кутган баҳор ўз тароватини кўз-кўз қилиб, олам узра сепини ёймоқда. Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Берунийнинг «Китобат тавоҳам» рисоласида қизиқ бир ривоят бор. Унда ёзилишича, Ал-Маъъун Али ибни Мусро ар-Ризодан Наврўз ҳақида сўраганларда у: «Наврўз фаршталар улуглаған айёмдир. Чўнки улар ҳам қўтлуг кўнда яратилганлар. Уни пайгамбаримиз ҳам улуг тутганлар. Зеро, қўёш ҳам шу кўни яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуглағанлар.

Бинобарин у замоннинг биринчи кунидир—деб жавоб қилган экан. Утмиш аждодларимиздан улуг маънавий бойлик сифатида етиб келган Наврўзи олам байрами бугунги кўнда мустақиллигимиз шарофати туфайли қайта жонланди. У табиат гўзаллиги—баҳор ҳамда янгиланишу покланиши, дўстлик ва эзгулик рамзига айланди. Фаёзу тароват ила кириб келаётган Наврўз айёмингиз қўтлуг бўлсин, азизлар! **Замира АБДУЖАБОРОВА, Ўзбекистоннинг Тошкент давлат педагогика университети магистранти**



**САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК**  
Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнглиларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказини асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ушлаймики, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўиш ниъмати бўлган инсонлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватлаш.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**  
СТПР: 206849483  
МФО: 00423  
Ҳ/р: 20212000604589442001  
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

## МУТАХАССИСЛАР МАЛАКА ОШИРЯПТИ

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲАЖОН БАНКИНИНГ ЛОЙИХАЛАРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА БЕШ КУНЛИК ҲУДУДИЙ СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛЯПТИ.**

Ҳажон банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лу Брефорнинг таъкидлашича, анжумандан кўзда тутилган мақсад мутахассислар гуруҳини лойиҳаларни амалга ошириш жараёни билан таништириш, уларга энг замонавий тавсияларни тақдир қилишдан иборатдир. Халқаро савдоларга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш, тўғридан-тўғри шартномаларни имзолаш, тендер ҳужжатларини тайёрлаш каби назарий ва амалий масалаларни ҳал этиш анжуман кун тартибидан ўрин олган.

Ҳозирги кўнда Ўзбекистонда Ҳажон банки иштирокидаги жами 240 миллион долларга тенг олти лойиҳа устида иш олиб борилаётган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва муҳим ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

«Туркистон-пресс»

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ВА ИЛМИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни демократик янгилашда илм-фаннинг аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда дастуриламал бўлаётди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, иқтидорли талабаларни излаб топши ва уларнинг илмий, ижодий ва ишчилик салоҳиятини ривожлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда илк бор иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани ва илмий ишлар танлови ташкил этилди. Унинг якунловчи босқичида танловнинг юртимиздаги барча олий ўқув юртиларида бўлиб ўтган босқичларида ғолиб деб топилган қарийб 300 нафар иқтидорли талаба иштирок этаётди.

Ана шундай ёшлардан бири — Шерали Маматисаев Гулистон давлат университети табиатшунослик факультетининг 4-курсда тахсил олади. Унинг шўрга чидамли ўсимликларни аниқлаш, уларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида олиб бораётган илмий изланишлари университет илмий жамоатчилиги эътирофини қозонди ва у ўз йўналиши бўйича танловнинг университет босқичида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Тупроқ шўрлангани глобал миқёсда ўз ечимини кутаётган долзарб экологик муаммолардан дандир, — дейди Ш.Маматисаев. — Бизнинг факультетимиз олимлари бу борада кенг қўламли илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга ҳақон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш борасида кўрсатаётган эътибори ва гамҳўрлигига жавобан етук мутахассис бўлиб етишишни энг муҳим вазифам, деб биламан.

14 мартга қадар давом этган тадбир доирасида иқтидорли талабаларнинг илм-фаннинг фундаментал ва амалий соҳалардаги ҳудудий, минтақавий ва глобал масалаларига бағишланган 12 йўналишдаги қарийб уч юзта илмий маърузаси тингланди.

Тадбир доирасида мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган янги ўқув-устувий қўлланмалар, адабиётлар, дарслик ва илмий иштироқлар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

## ЯПОНИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ГРАНТЛАРИ

**ТОШКЕНТДА ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ КИЧИК ҲАЖМДАГИ ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР ДОИРАСИДА БЕГАРЗА ЁРДАМ ДАСТУРИ БЎЙИЧА ЯНА ОЛТИТА ГРАНТ-ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ.**

—Мазкур грантлар ижтимоий соҳанинг аниқ йўналишларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир, — деди кунчиқар юртининг мамлакатимиздаги Фавкуллодир ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото. — Булар хусусан, таълим тизимини яхшилаш, тиббий хизмат даражасини кўтариш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб қувватлашга қаратилган.

341,554 минг долларлик мазкур грант-шартномалари учта мактаб, иккита тиббиёт муассасаси ва битта жамоатчилик ташкилотини замонавий ускуналар билан таъминлаш учун ажратилди. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 3-ўрта мактаб (45,982 минг доллар), Қумқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб (62,175 минг доллар), Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 25-ўрта мактаб (56,368 минг доллар), Тошкент шаҳридаги 1-сонли клиник шифохонаси (84,934 минг доллар), пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги 6-сонли акушерлик мажмуаси (76,280 минг доллар) ҳамда Фарғона вилоятидаги «Бегойим» ижтимоий-иқтисодий химоя маркази (15,815 минг доллар) шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Одилжон Собировнинг таъкидлашича, замонавий воситалар таълимдаги ўқув жараёнини яхшилашга кўмаклашади. 1998 йилдан бунён мактаб таълими тизими учун Япония ҳукумати билан беғараз ёрдам дастури доирасида жами 7,5 миллион долларлик 37 та кичик ҳажмдаги грантлар ажратилган. Бундан ташқари ҳар йили икки нафар ўзбекистонлик педагог Японияда ўз малакасини ошириб қайтади.

Япония ҳукумати ўтган йилги «Хомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида 1 миллион 132 минг долларлик 17 та лойиҳани амалга оширди. Шундан еттита си умумтаълим ўқув муассасалари, бештаси тиббиёт масканлари, бештаси жамоатчилик ташкилотлари учун ажратилди.

«Туркистон-пресс»

## ОЛИМПИАДАЛАРИМИЗНИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

**КЕЧА ЯМАН ПОЙТАХТИ САНА ШАҲРИДАГИ «АЛ-ТАВРА СПОРТ СИТИ» СТАДИОНИДА «ПЕКИН—2008» ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН «F» ГУРУҲИ ВАКИЛЛАРИ—ЯМАН ВА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ИККИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИДАН КЕЙИН ВАДИМ АБРАМОВ ШОГИРЛАРИ МУЖИМ ОЛТИ ОЧКОГА ЭГА БЎЛИШДИ.**

Вадим Абрамов бу сафар майдонга Азиз Ашуров, Баҳром Йўлдошев, Ахрор Рискўллаев, Музаффар Умрзоков, Одил Аҳмедов, Шавкат Муллажонов, Азиз Хайдаров, Нодир Қўзибоев, Камолдин Мирзоев (Анзур Исмоилов), Марат Бикмаев, (Фарход Тожиев), Садриддин Абдуллаев (Шавкат Саломов)ларни туширди.

Тан олиш керакики, биринчи бўлимда ўзбекистонликлар майдонда тўлиқ устунликка эришган ҳолда ҳаракат қилишди. Футболчиларимизнинг мезбонлар дарвозаси олдида содир этган хавфли ҳужумлари натижасида ҳисоб очилиши мумкин эди. Аммо Нодир Қўзибоев, Марат Бикмаев, Азиз Хайдаров томонидан йўлланган кучли зарбаларни яманликлар дарвозабони қайтаришга муваффақ бўлди. Олимпиячиларимизга муҳим уч очкони ҳада этган ягона гол эса 46-дақиқада киритилди. Жамоадошидан тўпни қабул қилиб олган Азиз Хайдаров 20 метрлардан рақиб дарвозасини кучли зарба билан аниқ нишонга олди. Қолган дақиқаларда ҳар икки терма жамоалар ҳужумга зўр беришсада 1:0 ҳисоби сақланиб қолди.

Ушбу ғалаба олимпиячиларимизнинг Пекинда 2008 йилда ўтказиладиган ёғи Олимпияда ўйинлари йўлланмасини кўлга киритишларида муҳим кўприк вазифасини ўтаган бўлса ажаб эмас.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

## ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ МУАЛЛИМ

Шу танлов туфайли мактабларда фаолият юритаётган ёш муаллимлар орасида ҳақиқий истеъдод эгалари, ўз касбига меҳр қўйган иқтидорлар сафи кенгайиб бормоқда. Ана шундай иқтидор эгаларидан бири, Юнусобод туманидаги 235-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Дилноза Собирова 97-мактабда халқ таълими ходимлари ўртасида уюштирилган «Йилнинг фан ўқитувчиси—2007» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ҳақамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб эътироф этилди ва ушбу танловнинг республика босқичида шаҳримиз шарафини химоя қилиш ҳуқуқини кўлга киритди. Шуниси қувонарлики, инглиз тили тест синовларини ҳақамлар ҳайъати ҳузуринда аъло даражада бажарган Дилноза қатнашчилар иштирокида уюштирилган ноанъанавий дарс ҳамда тарбиявий соат машғулотидан муваффақиятли ўтиб келажаги порлоқ педагог эканлигини яна бир қарра исботлади.

— Отам педагог бўлганликларини учунми, ўқитувчилик касбинини эгаллашни жуда ёшлигимдан ният қилганим, — дейди Дилноза Собирова. — Шу боисми, аввалига Юнусобод туманидаги 235, сўнгра 17-мактабда тахсил олдим. Инглиз тилини ёшларга чуқур ўргатишга ихтисослашган ушбу мактаблардаги устозларимга раҳмат айтаман.

Дарҳақиқат, муаллимликни иноят деб билган Дилнозанинг Юнусобод туманидаги 235-мактабда ишлаётганига 10 йил бўлди. Устозлари ўғитишга амал қилган Дилноза ёш авлодга билим беришда кўргазмали куруллардан кенг фойдаланади, ҳар бир мавзуга тайёрланган расмлар, плейерда намойиш этиладиган фильмлар туфайли ҳам Дилнозанинг дарси шогирдларига катта қизиқиш уйғотди. — Эътиборлиси, эркин суҳбат жараёнида синфдаги ҳар бир ўқувчи инглиз тилини чуқур ўзлаштиришга интилади, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Мўмина Сулаймонова. — Мен ёш ўқитувчининг бундан кейинги фаолиятига ҳам доим омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Лавҳамизга шу ерда нуқта

## «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЯНА ЙЎЛДА

**НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЧЕККА ТУМАНЛАРИГА ТОШКЕНТДАН НАВБАТДАГИ «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЖЎНАБ КЕТДИ.**

У «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси кўмагида «Соғлом авлод учун» ҳуқуқматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси томонидан шакллантирилди.

Поезднинг замонавий тахшиқ қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган шифокорлар бригадаси таркибиде тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган педиатр, терапевт, гинеколог, эндохринолог, невропатолог каби юқори малакали мутахассислар бор. Улар маҳаллий аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиб, даволанишга муҳтожларга ёрдам кўрсатади. Айникса, кўп болали оилалар, хотин-қизлар, болалар, қариялар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш мақсадида уррашув ва суҳбатлар ташкил этилади.

Оролбўйи аҳолисига озиқ-овқат, кийим-кечак,

меҳр қўйганман, — дея бу ҳақда хотирлайди Дилноза. — Шу туфайлими, 1992 йилда телевидениега бордим. Мендаги қизиқишни пайкаган режиссёр Тўхтамурод ака Маҳқамов (Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин) менга ўзлари тайёрлаган «Ун саккизга кирмаган ким бор» кўрсатувида ишоним келим образини топширдилар. 1997 йилдан эса «Гап йўқ» кўрсатувида

«Туркистон-пресс»

## «СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

лараро манбаларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш биргаликда бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида» битим имзоланди. Шу тарихи минтақанинг бешта мамлакатни экологик муаммоларни ҳал этиш учун сазай-ҳаракатларни бирлаштириш, давлатлараро сув манбаларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олдилар. Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу масалалар билан боғлиқ учрашувлари, жумладан, Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш мақсадида БМТ шафелигида ҳам бир неча бор ўтказилди. Ташкил этилган халқаро конференция чоғида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг декларацияси имзоланди. Айтиш керакики, ўтган 15 йил ичида ҳамкорлик ривожланди ва мустаҳкамланди. Бирок, мутахассисларнинг таъкидлашича, қўшни республикалар ижтимоий-иқтисодий ривожининг ҳар хил даражада эмаслиги барча эришилган келишувларнинг тўла даражада бажарилишида қийинчиликлар туғдирмоқда.

Давлатлараро сув комиссияси илмий-

тадқиқот маркази директори, Бутунжаҳон сув кенгаши бошқаруви аъзоси, профессор В.Духовскийнинг таъкидлашича, Орол ҳавзаси гидроэнергетик салоҳиятини ўзлаштириш минтақамиз учун долзарб масаладир. Кўп йиллик мувофиқлаштириш ўлчамларига мос бўлган янги сув омборлари сўғоришининг барқарорлигини, бир қанча иқтисодий ҳамда ижтимоий масалаларнинг ечимини таъминлайди. Шу билан бирга Рағун ва Зарафшон гидроэлектрларининг бунёд этилиши ҳам қўшимча сув ресурсларини юзга келтириши, агарда масалалар ўзаро келишиб олинмаса ва барча томонлар учун манфаатли бўлмаса қўшимча муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Атроф-муҳитнинг кўпгина муаммолари тараққиётнинг экологик жиҳатдан нотўғри ривожланиш моделлари ва жамоатчиликнинг муаммоларни тушунамаслиги оқибатида келиб чиқади. Шунинг баробарида халқаро амалиётда давлатлараро сув манбаларидан фойдаланиш бўйича муваффақиятли ҳамкорликдаги фаолиятга мисоллар кўп, ушбу манбаларни адолатли тарзда тақсимлашни таъминловчи механизмлар ишлаб чиқилмоқда, ижобий тажрибадан эса доимо фойдаланиш лозим.

«Туркистон-пресс»

## Табиат ва инсон

### СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

қўшилмайдиган ҳавзанинг ягона ҳудудида жойлашган, — дейди Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ихтисослашган тахлийил назорат инспекциясининг 1-тоифали мутахассиси И.Акромова. — Ўз жуғрофи ва табиий хусусиятларига кўра уларга орид экотизимларининг нозиклиги ва сув ресурсларининг чекланганлиги сабабли салбий экологик омиллар таъсир қилади. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва тежаш сув ресурслари ва табиий экотизимларга бевосита боғлиқ. Ва уларнинг балансини баъзи ҳолларда масалан, сув омборлари ва гидроэлектр станциялари ҳам бузиши мумкин. Шу сабабдан у ёки бу мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда табиий ресурслардан умумли фойдаланишга катта эътибор қаратилиши керак.

1991 йилда Орол ва Каспий денгизлари ҳавзаларида жойлашган давлатлар мустақилликка эришгандан сўнгу улар сув муаммоларидан хабардор бўлганлари сабабли буни ўзаро келишган ҳолда ташкилий тарзда ҳал этишга қарор қилдилар. Ва 1992 йилнинг февраль ойида «Давлат-

## «СУВ — ЕРДАГИ ҲАЁТНИНГ АСОСИ» ИБОРАСИГА БАРЧАМИЗ КЎНИКИБ ҚОЛГАНМИЗ. БИРОҚ ҲАЁТБАХШ ОМИЛНИ БЕҲУДА САРФЛАЁТГАН, ДАРЭ ВА КАНАЛЛАРГА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАШЛАЁТГАН ВА ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ЭКОЛОГИЯНИНГ БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАЁТГАН ҲАР БИР КИШИ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ҲИҚМАТНИ ЁДГА ОЛАВЕРМАЙДИ.

Инсон ўз танасидаги сув миқдори ўзгаришини кескин сезгани каби денгизлар, дарёлар ва кўлларнинг саёзлашуви, сув ҳавзаларининг санаот чиқиндилари билан ифлосланиши ҳам атроф табиий муҳитга шунчалик ёмон таъсир қилади. Чучук сув захиралари ўзида ягона ресурсни ифода этади. Ушбу ресурсни ўзлаштириш истикболлари унга сув ҳўжалиги иншоотлари ва тўғонлар қурилиши, дарё оқимларини ўзгариши, ирригация тизимларининг ривожланиши билан боғлиқ турли лойиҳалар таъсир этувчи барча сазай-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сув экотуризмларининг табиий меъёрини сақлашни тақозо этади. — Маълумки, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари Орол ва Каспий денгизлари

«Туркистон-пресс»

# ОЗ ОЗ ҲАҚИДИ ДОМО БУЛУР...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўнглинг хотиржам бўлишини истасанг, бу дунё ҳою ҳавасидан кеч, чунки у ташвишдан бўлак нарса келтирмайди.

**Олам асбоби учун ғам емагил, Арзимас бунчага олам гўё.**

Бу дунё бойлигу неъмат учун ғам ема — у бунга арзимайди.

**Олам аҳлидин етишмас ғайри захм, Эй жароҳатлиг кўнгул, бу сўзга бут.**

Эй озурда кўнгул, одамлардан озору маломатдан бўлак нарса етишмаслигига ишон.

**Олам аҳлидин вафо муҳтожи бўлмаким, алар Ҳам чекарлар бу матоъи бебаҳога эҳтиёж.**

Одамлардан вафо талаб қилмаки, уларнинг ўзлари ҳам бу бебаҳо матога муҳтождирлар.

**Олам аҳлидин таваққуъ айламак аҳду вафо, Заҳрдин ҳайвон суйи бўлғай тавалло айламак.**

Одамлардан аҳду вафо қутиб заҳардан оби ҳаёт умид қилишга ўхшайди.

**Оқибат ерга кирарсан гар худ Бўлса кўк атласи раҳшинг уза жул.**

Тулпорингнинг ёпинчиги фалакнинг пардаси бўлса ҳам, кўк кунни манзилнинг қора ер бўлади (ёки: бошинг кўкка етса ҳам, бир кунни ерга кирарди).

**Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас, Барча киши ишқда содиқ эмас.**

Ошиққеким, кўргай ул бир қатла ҳар кун ёрнини, Тенгрисига айладег юз қатла шукр изхорини.

Маъшуқасини ҳар кунни бир марта кўрадиган ошиқ Худога юз қатла шукр айласин.

**Ошиққа гарчи заъфу маразликдур мизож, Маъшук зикри ул маразига эрур илож.**

Ошиқнинг аҳоли ожизлигу хасталик бўлса ҳам, маъшукнинг ёдини хаёлга келтириш, унинг номи ни зикр этиш бу хасталикнинг давосидир.

**Олим агар жоҳ учун ўлса залил, Илми анинг ҳақлига бўлғай далил.**

Олим агар давлату мартаба учун ўзини хор қилса, бу унинг шунча илм билан ҳам жоҳилликча қолганидан далолат беради.

**Олим агар қатъий амал айласа, Илмига шойиста амал айласа,**

Они шараф гавҳарининг қони бил, Гавҳару қон, ҳар не десанг, они бил...

**Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб, Солмаса дунё сари кўз, не ажиб.**

Эғнида гар хирқаси юз чок эрур, Гулға тўни йиртуғи не бок эрур.

**Кунгаки, урғилик эрур зийнати, Тийра бўлур, бўлса булут хильвати.**

Олим агар ўз олдиға қатъий мақсад қилиб, илмига муносиб иш кўрсатса, уни улғулик гавҳарининг қони деб бил ва яна ҳар қанча улуғласанг оз.

**Бундай бахтга муяссар бўлган киши дунёни назарга илмаса, сира ажабланадиган жойи йўқ.**

Гул пардасининг йиртилганига парво қилмаганидек, у ҳам эғнидаги тўнининг юз ямоқлиги билан иши йўқ.

**Зеро, куннинг зийнати — унинг яланғочлиги, Булут пардасига ўралса, у хира тортади.**

**Одавий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур.**

Одам тили туйфайли барча махлуқотдан афзал ва тили туйфайли бир-биридан ҳам устун.

**Озгинга кирган такаллум риштасин чекма узун — мардуманд,**

**Ким, бу иштин сарнигунлук юзланиб, нуксон келур.**

**Кўрки, чун озғига кирган риштасига берди тул,**

**Анкабут ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.**

Сўз ипини ҳадеб чўзавермаки, бу туйфайли кўп хатога йўл қўйиб, эл олдида шарманда бўласан.

Ургимчакка қара: тўри узунлигидан ўзи ҳар лаҳза оёғи осмондан бўлиб осилиб туради.

**Одавий бадандур, ҳиммат анга рух, Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футух.**

Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унга рух (жон)дир, оламдаги барча эзгуликлар ҳиммат аҳли туйфайлидир.

**Олиму жоҳил агарчи ҳар ду жинси мардуманд,**

**Фарқ бошад дар миён аз осмон то хоки рах. Дурру жола ҳар ду аз абранду дар ҳайъат шабех,**

**Он равад бар тожи шах, ин лек дар хоки сиях.**

Олим ҳам, жоҳил ҳам инсон қавмидан бўлишига қарамай, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бордир.

**Дур ҳам, дўл ҳам булутдан пайдо бўлиб, кўринишда бир-бирларига ўхшасалар-да, дур подшоҳ тожини беэзаб, дўл қора тупроққа сингади.**

**Оқил ба адаб бошаду нодон густак. Доно одобли бўлға-ю, нодон одобосиз.**

**Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,**

**К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў.**

Бир олам хоҳлайманки, унда одам зотидан но му нишон ҳам бўлмаса, унда одамлар жафоси туйфайли юзланадиган ғам ҳам бўлмаса.

**Пок гавҳарки, пок бўлди шпор, Шоҳлар боши устида ери бор.**


Гавҳар пок бўлганлиги ва покликни одат қилганлиги учун шоҳлар бошидан ўрин олган.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

### Кўргазмалар

## ГҶЗАЛЛИКНИНГ ТУҶИЛИШИ

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ИСТЕЪДОДЛИ ФОТОРАССОМ АЛИХОННИНГ «ГҶЗАЛЛИКНИНГ ТУҶИЛИШИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ШАХСИЙ КҶРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.



Шуни таъкидлаш керакики, Алихон ўзбек фото санъатининг ёш авлодига мансуб. У 1983 йилда Тошкентда туғилган. Ҳамма нарсага тасодиф сабаб бўлди. Алихонда суратга олиш иштиёқи унга ҳаваскорлар рақамли фотокамерасини совға қилишганидан сўнг бошланди. У олдин дўстлари, танишлари ва яқинларини суратга олиб юрди. Кейин эса ўзи билан бирга «ASIAN STYLE» моделлик агентлигида бирга ишлайдиган ўртоғини суратга олди. Ишларини агентлик раҳбарларига кўрсатганда олдин улардан бир қанча фойдали маслаҳатлар ва яхши тиллақлар, кейин эса нафақат модель сифатида, балки сураткаш сифатида ҳам ҳамкорлик қилиш таклифини олди. Фото ва видеога бағишланган журналларни чўқур ўрганиб, ўз малакасини оширди.

Эълон қилинган танловларда иштирок этишга қарор қилиб, «Digital camera», «Photo video» номли Москвада нашр этиладиган журнал танловига ўз ишларини юборди ва «Гламур» но-

минацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 2007 йилда Алихон «Гламур» танлови ғолиби бўлди. Ҳозирги пайтда Алихон моделлик агентликлари билан фаол ҳамкорликда ишламоқда. У профессионал кинооператор бўлишнинг орзу қилади ва шунинг учун ўзининг малакасини янада оширишга киришган.

65 фотосаари намойиш этилаётган ушбу кўргазма Алихоннинг илк шахсий кўргазмаси ҳисобланиб, у «Nikon» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси, «Гули Бону» продюсерлик маркази ва «Mandarin» моделлик агентлиги кўмағида ташкил этилган. Кўргазманинг очилиш маросимида Хафиз-Хон, Сурайё Аҳмедова каби ўзбек модельерлари

яратган кийимлар коллекцияси ва Бухоро шаҳар «Овация» моддалар театри намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**Дилором ИКРОМОВА**  
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.  
Наталья Семёнова олган суратлар

### МАНА, БИЗ ИНТИҚИБ КУТГАН ФАСЛИ БАҶОР КЕЛДИ. ҚИШ БҶЙИ МУДРОҚДА БҶЛГАН НАБОТОТ ОЛАМИ ҶЗИНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИНИ «КҶЗ-КҶЗ» ҚИЛИШГА ОШИҚМОҚДА.

БАҶОРНИНГ СЕРХОСИЯТЛИ КҶҚАТЛАРИ ҚАТОРИДА БИР ҚАНЧА ГИЁҲЛАР БОРКИ, УЛАР ҶЗЛАРИНИНГ ҚУВВАТ ҲАДЯ ЭТИШЛАРИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Илк баҳор палласида далаларда, суғориладиган ерларда, адир-яйловларда, бугдойзорларда, тоғ этакларида хатто йўл четлари, ариқ, жиғла ёқаларида бегона ўт сифатида исмалоқларни учратишимиз мумкин.

Исмалоқ кўҳна замонлардан бери дармонбахш, серхосиятли гиёҳ сифатида халқ таботати амалиётида атрофлича ишлатиб келинади. Халқ таботатида исмалоқнинг ер устки қисмидан ел ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Исмалоқни қамқонлик билан оргиган, силласи қуриб, юриш-туришида мадор бўлмаган кишиларга тавсия этилади. Бу гиёҳ мича хасталиги билан оргиган бемор-

### Кўклам неъматлари

## ИСМАЛОҚ

ларга, айниқса гўдак болаларга шифоли омилидир. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ўз вақтида исмалоқ баргидан тайёрланган малҳамни офрикларда суртишни тавсия этган ҳамда унинг асосида тайёрланадиган қайнатмани ичми юмшатиш, балғам кўчириш учун буюрган. Ҳозирги замон тиббиётида исмалоқ парҳез таом сифатида бир қатор хасталиклар даво си сифатида тавсия этилади. Жумладан, ҳомиладор аёллар ҳамда хасталиқдан бош кўтарган мажолсиз кишиларга турфа кўринишдаги емаклар асосини исмалоқ ташкил қилади. Исмалоқ барглари анемия, меъда ширасининг сустилиги билан боғлиқ бўлган касалликларда, сурункали қабзият балосига учраганликда, ошқозон-ичак йўлининг ағлиғланishi билан боғлиқ бўлган хасталикларда ниҳоятда фойдалилиги билан ажралиб туради.

Исмалоқнинг бунчалик хосиятларига бойлиги унинг таркибиде жо бўлган шифобахш моддаларнинг

кўплиги билан изоҳланади. Чунончи бу гиёҳнинг таркибиде С,В, ва В, белгили дармондорилар, қанд моддалари, органик ациллар, оксиллар, каротин, фолат кислотаси, шунингдек магний, калий, фосфор, кальций, темир, йод каби моддалар мавжуд.

Исмалоқ барглари билан кўнгулчи, шўраки таомлар, қайла, эзилма ва бошқа емаклар тайёрланади. Айна баҳор палласида бир қатор баҳорий кўклатлар жамламасида кўк чўчвара ва кўк сомсалар тайёрланади, бу таомларнинг инсон саломатлигига қанчалик фойдалилигини таъриф этиш қийин.

Мабодо ичак яхши юришмайдиган, қабзиятга мойиллиги бўлган, қорин дамлиниб турадиган бўлса, унда 10 грамм миқдорда исмалоқ барглари ни бир стакан сувда қайнатиб ичиб туриладиган бўлса, ичаклар фаолияти фоллашиб, қорин дамлиги йўқолади.

**Маннон НАБИЕВ,**  
доришунос

### Спорт

## «УНИВЕРСИАДА — 2007»ГА ТАРАДДУД

**«УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНИБ КЕТДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА ҶТҚАЗИЛАДИГАН БУ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРИНГ АКСАРИЯТИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.**

Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат техника университетиға қарашли спорт майдонларини таъмирлашга ҳам киришилди. Ёпиқ сув спорти саройида ҳам катта таррадуд кўрилмоқда. Унда сув спортининг турлари бўйича уюштирилаётган мусобақалар учун қатор қулайликлар муҳайё этилади.

Филтрлаш ускуналарининг ўрнатилиши сув спорти саройиға ўзгача файз бағишлайди. Испания ва Туркия технолоғиса асосида ишлайдиган бундай қурилмалар иншоотдаги сувни бир йилгача алмаштирмасдан ишлатиш имконини беради.

(Ўз муҳбиримиз)

## ТИҶОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOCI» ФИНАЛИ АБОНЕНТАЛARI АНҚАТИГА!

#### Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшаш пунктларининг кодлари

№№ п/п	Шаҳар, аҳоли яшаш пункти	Шаҳар, аҳоли яшаш пунктнинг коди	Рақам териш тартиби	ХТСнинг маълумотномаси	
1	ТОШКЕНТ	371	2XXXXXX, XXXXXXX	оплата сонги рақамларда ептита сонги рақамларда	9909111
<b>АНДИЖОН ВИЛОЯТИ</b>					
1	АНДИЖОН	374	XXXXXXX		2251945 2252222 2254342
<b>БУХОРО ВИЛОЯТИ</b>					
1	БУХОРО	365	XXXXXXX		2232222
<b>ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ</b>					
1	ЖИЗЗАХ	372	XXXXXXX		2262222
<b>ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>					
1	ҚАРШИ	375	XXXXXXX		2211509
<b>НАВОИЙ ВИЛОЯТИ</b>					
1	НАВОИЙ	436	XXXXXXX		2232222
<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИ</b>					
1	НАМАНГАН	369	XXXXXXX		9909111
<b>ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ</b>					
1	НУКУС	361	XXXXXXX		9909111
<b>САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ</b>					
1	САМАРҚАНД	366	XXXXXXX		2335474
<b>СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>					
1	ТЕРМИЗ	376	XXXXXXX		2270909
<b>СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>					
1	ГУЛИСТОН	367	XXXXXXX		2252222
<b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b>					
1	ОЛМАЛИК	370	XXXXXXX		6133333
2	АНГРЕН	370			6622222
3	ОҲАНГАРОН	370			6452154
4	БЕКОВД	370			9122222
5	ҶАЗАЛКЕНТ	370			7421385
6	ПАРКЕНТ	370			7222222
7	ЧИРЧИҚ	370			52222
<b>ҶАРҶОНА ВИЛОЯТИ</b>					
1	ҶАРҶОНА	373	XXXXXXX		2262222
<b>ҲОРАЗМ ВИЛОЯТИ</b>					
1	УРҶАНЧ	362	XXXXXXX		2262222

АТС — 21 — 221;
АТС — 22 — 222;
АТС — 23 — 223;
АТС — 29 — 391;
АТС — 67 — 360;
АТС — 72 — 272;
АТС — 74 — 274;
АТС — 75 — 275;
АТС — 40 — 160;
АТС — 76 — 276;
АТС — 41 — 142;
АТС — 77 — 367;
АТС — 42 — 392;
АТС — 78 — 278;
АТС — 43 — 143;
АТС — 79 — 279;
АТС — 45 — 395;
АТС — 90 — 390;
АТС — 46 — 396;
АТС — 92 — 292;
АТС — 47 — 397;
АТС — 93 — 293;
АТС — 48 — 398;
АТС — 94 — 294;
АТС — 49 — 149;
АТС — 97 — 297;
АТС — 53 — 362;
АТС — 98 — 298;
АТС — 56 — 153;

Туман марказларининг кодлари ва маълумот берувчи хизматлар тўғрисидаги янада тўлиқ маълумотлар кўйидаги сайтга жойлаштирилган: [www.tshit.UZ](http://www.tshit.UZ)


Маҳаллий автоматик (хизматларга вақтбай тўлов тизимида), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланилганда сўзлашувнинг вақти абонентнинг ёки уйдаги бирор бир кишининг телефон кўнгиригига жавоб бериш пайтидан бошлаб, шунингдек, чақирилувчи ёхуд чақирувчи шахс ёки абонентлик

қурилмаси узилиш вақтигача сигнал чақирилувчи шахс жавобига тенглаштирилган абонентлик қурилмаси жавобидан бошлаб жавобга олинади. Чақирилувчи шахс жавобига тенглаштирилган ва телефон сўзлашуви бошланишини билдирувчи абонентлик қурилмасига кўйидагилар кирди: маълумотлар узатиш аппаратураси (модем ва б.); факс алоқаси аппаратури; автоматик жавоб берувчи билан таъминланган абонент қурилмаси;

рақамни автоматик тарзда аниқловчи телефон аппаратури; абонент бўлмаганда унинг ўринини босувчи ва ахборот алмашинувини таъминловчи (ёки шунга ўхшаб ишлайдиган) бошқа турдаги абонент қурилмаси.

«Конференц-алоқа» хизмати кўрсатилиш вақти барча чақирилётган шахсларнинг чақиралган шахс билан уланганидан сўнг ҳисоблана бошлаб, чақиралган шахсининг суҳбатни тўхтатиш сигналдан кейин тугаланади.

**«Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган, бухгалтерия ҳисобкитоблари ишларини тушунадиган ўрта маълумотга эга шахсларни назоратчи лавозимига ишга таклиф қилади. Мурожаат учун манзил: Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 59-а. Тел: 55-53-67.**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҶИМИЛИГИ**

Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

### ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,  
офсет усулида босилади.  
4398 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.